



БУЙРУҚ № \_\_\_\_\_

Бухоро шаҳри

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2018 йил

---

**Талабаларнинг ўқишини кўчириш ва қайта  
тиклаш жараёнини ташкил этиш тўғрисида**

1. Талабаларни мос ва турдош йўналишларга ( мутахассисликларга) кўчириш ва қайта тиклаш жараёнини ташкил этиш мақсадида институт қабул комиссияси қошида қуйидаги таркибидаги ишчи комиссия ташкил этилсин:  
Комиссия раиси –У.Т.Мухамедханов, Институт ректори.  
Комиссия раиси ўринбосари – Қ.Т.Олимов, ЎИБ проректор.

**Аъзолар:** Атауллаев, “Кимёвий технология” факультети декани;  
Ш.И.Раззоков, “Э ва ИЧАКТ” факультети декани;  
Ш.М.Муродов, “Муҳандислик курлиш” факультети декани;  
С.С.Мусаев, “Енгил саноат” факультети декани;  
Р.Т.Адизов, “К ва ООТ” факультети декани;  
Ш.М.Ходжиев, Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи;  
М.Д.Талабов, АТМ, Техник куллаб-қувватлаш бўлими  
муҳандис электрончиси, ишчи комиссия котиби;

2. Белгилаб қўйилсинки, Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш жараёни “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомига қабтий риюя қилган ҳолда қуйидаги тартибда ташкил этилади:

- кўчириш ва қайта тиклашга даъвогарлар 2018 йил 15 июлдан 05 августгача (шу кун ҳам ) ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатлар топширадилар:

Ректор номига ариза;

Рейтинг дафтарчаси ёки белгиланган шаклдаги академик маълумотноманинг ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;

Фуқоролик паспортининг нусхаси.

Талабалар сафидан четлаштирилган, юқоридаги ҳужжатлардан ташқари, бу тўғрисидаги ректор буйруғининг тасдиқланган нусхасини ҳам ишчи комиссияга тақдим этишлари шарт.

- топширилан ҳужжатлар ишчи комиссия котиби томонидан ўрнатилган тартибда журналга қайд қилинади ва имзо учун институт ректорига тақдим этилади;

- даъвогарнинг аризаси ректор томонидан имзолангандан сўнг, академик қарзлар ёки фарқларни аниқлаш учун 1 кун муддатда факультет деканига етказилади;

- топширилган хужжатлар асосида 3 кун муддатда факультет декани масъуллигида ўқув режа ва дастурлардаги мавжуд академик қарзлар ёки фарқларни аниқланади ва буйруқ иловасидаги шакл тўлдирилиб, деканнинг шахсий имзоси ва муҳри билан тасдиқланади. Тўлдирилган шаклга академик қарзлар ёки фарқларни аниқлашда асос бўлган ўқув режанинг тасдиқланган нусхаси илова қилиниб, хужжатлар билан бирга ишчи комиссия котибига қайтарилади. Академик қарзлар ёки фарқларни тўғри аниқланиши бўйича масъулият факультет декани зиммасига юкланади;
- 20 августгача бўлган муддатда даъвогарларни талабалар сафига қабул қилиш, контракт пулини тўлаш ҳамда ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланган академик қарзлар ёки фарқларни топширишга рухсат бериш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ишчи комиссия котиби томонидан тайёрланиб, комиссия раисига тақдим этилади;
- 24 августгача бўлган муддатда қарор лойиҳаси ишчи комиссиянинг йиғилишига муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Ишчи комиссия йиғилишининг қарори талабалар сафига тикланишига ёки кўчирилишга даъвогарларга етказилади ва қарор асосида ректорнинг буйруғи расмийлаштирилади;
- тўлов – контракт асосида қайта тиклаш ёки кўчирилишига тавсия этилган даъвогарлар 26 августгача ўрнатилган тартибда шартномаларни расмийлаштириш, бир йиллик контракт пулининг камида 50 фоизини белгиланган муддатда тўлашларига рухсат берилади;
- контракт пулининг камида 50 фоизини тўлаган даъвогарларга академик қарзлар (фарқлар)ни топшириш учун 2018-2019 ўқув йилининг кузги семестри давомидаги муддатда рухсат берилади;
- академик қарзлар (фарқлар) бартараф этилган муддатдан бошлаб, институт ректорининг талаба ўрнатилган тартибда стипендия бериш тўғрисидаги буйруғи чиқарилади.

3. Ишчи комиссиянинг ҳар бир аъзосига юқоридаги тартибга қатъий риоя қилиш мажбурияти юклатилсин.

4. Буйруқнинг бажарилиши бўйича умумий назоратни ўз зиммамда қолдираман.

**Асос:** “олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом, ректор имзоси билан.

**Ректор:**

**У.Т.Мухамедханов**